МУАММО ВА ТАКЛИФ

# «ЗАНГОРИ ОЛОВ» ҚАДРИ

Ҳозирги вақтда жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинган глобал муаммолар қаторида ёқилғи муаммоси йилдан-йилга чуқурлашиб, салбий оқибатларга олиб келмоқда.

Дарҳақиқат, ёқилғи, аниқроқ қилиб айтганда, ўтин Африка ва Осиёнинг кўпчилик мамлакатларида катта муаммо. Ҳозирги вақтда Африкада жойлашган Саҳрои Кабир чўлининг жануб томонга кенгайиб бориши бевосита ўтин тайёрлаш муаммоси билан боғлангандир. Ушбу чўлда ҳар хил дарахтсимон ўсимликларни кесиб, улардан ўтин тайёрлаш Африкада чўллашиш жараёнларининг кенгайишига сабаб бўлди. Бунинг оқибатида Африкадаги Саҳрои Кабир қумлари жанубий, жануби-ғарбий ва жануби-шарқий йўналишларга кўчиб, Мали, Нигерия, Чад, Судан, Мавритания каби мамлакатларда жуда кўп воҳалар ва қишлоқларнинг йўқ бўлишига олиб келмоқда. Ўтин муаммоси жанубий ва жануби-шарқий Осиё мамлакатларининг кўпчилигида ҳам мураккаб тусга эга. Афғонистоннинг янги ҳукумати қабул қилган дастлабки қарорлардан бири мамлакатда ун ва гуруч билан бир қаторда ўтинга бўлган нархларнинг кескин кўтарилишига йўл қўймасликка қаратилгандир.

Ўзбекистонда бундай муаммо йўқ ва яқин йиллар ичида унинг вужудга келиши мумкин эмас. Чунки Ўзбекистон жаҳоннинг табиий газга жуда бой Россия, Эрон, АҚШ, Жазоир, Туркманистон каби мамлакатлари билан бир қаторда туради. Мамлакатда аниқланган табиий газ заҳиралари деярли 2 трлн. куб. м.га тенг. Кейинги вақтда йилига ўртача 55-56 млрд. куб. м. табиий газ қазиб олинмоқда. Унинг аксарият қисми аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларининг ёқилғи ва хомашёга бўлган талабларини қондиришга йўналтирилмоқда. Маълум қисми эса хорижий мамлакатларга экспорт қилинмоқда.

Ўзбекистонда Шўртан, Зеварда, Жарқоқ ва бошқа мавжуд табиий газ конларидан ташқари Устюрт, Жануби-ғарбий Ҳисор ва Бухоро — Хива минтақаларида қатор янги газ конларининг топилиши кутилмоқда. Лекин бу газ заҳираси битмас-туганмас дегани эмас. Табиий газдан нафақат тежамкорлик билан, балки мақсадли, самарали фойдаланиш ҳам муҳим ҳисобланади. Американлик олим Ралбф шундай ёзган: «Мен ернинг бетакрор инъоми — углеводородларни нефть ва табиий газ сифатида ёндирилишини ваҳшийлик деб ҳисоблайман».

Табиий газдан фойдаланиш хусусиятлари мамлакатларни ёқилғи турлари ва заҳиралари билан қандай таъминланганлигига ҳамда иқтисодиёти ва айниқса саноати қай даражада ривожланганлигига боғлиқдир. Ана шуларга алоқадор ҳолда ҳар бир давлатнинг ёқилғи-энергетика баланси шаклланади. Жаҳон ёқилғи-энергетика балансининг 32,0% кўмир, 3,0% ни гидроэнергия ва 23,0% ни табиий газ ташкил этади. Ўзбекистон ёқилғи-энергетика балансида 2000 йилда табиий газнинг улуши 84,5 %га, ва кўмир улуши 4,2 % тенг бўлди. Республикамизда олинган жами газнинг деярли 5/2 қисми электр ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқаришга сарфланмоқда.



Фарғона вилоятида ҳам табиий газни истеъмол қилиш муттасил ўсиб бормоқда. Вилоятда барча соҳалар ва йўналишлар бўйича 1992 йилда 1427 млн. куб. м. табиий газ истеъмол қилинган бўлса, бу кўрсаткич 2000 йилда 1458 млн. куб.м.ни ташкил этди. 2001 йилда 1682 млн. куб. м. хомашё истеъмол қилинган.

Фарғона вилояти Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий бўлаклари ичида аҳолини газ билан таъминлаш даражасига кўра олдинги ўринларни эгаллайди. Вилоятда 2001 йил бошида 472,8 минг хонадон газлаштирилган. Бу вилоятдаги барча хонадонларнинг 85 % ни ташкил этади. Ҳозирги вақтда газ қувурлари етиб бормаган, олисда жойлашган ҳамда табиий шароити ноқулай бўлган қишлоқларгина газлаштирилмай қолган, холос.

Лекин бу муаммо охиригача ҳал қилинди, дегани эмас. Чунки, кеч куздан то эрта баҳоргача қатор шаҳарлар ва туманларда газ босимининг кескин пасайиши натижасида печлар ёки сув иситкичларнинг барқарор ишлашини таъминлаш у ёқда турсин, ҳатто оддий чойни қайнатиш ҳам катта муаммога айланади.

Бундай ҳолатнинг қиш мавсумида нафақат Фарғона вилоятида, балки республиканинг бошқа вилоятлари ва шаҳарларида ҳам кузатилиши ҳеч кимга сир эмас. Бундан фақат газ билан барқарор равишда таъминланувчи ўқув ва соғлиқни сақлаш муассасалари ҳамда нон ишлаб чиқариш корхоналари мустасно.

Табиий газни тежаб ишлатиш чораларини кечиктирмай кўриб чиқиб ҳал этиш зарур. Бунинг учун жаҳон андозаларига мос келадиган газ жиҳозлари ускуналарини ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқ лозим.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг табиий газ ўтказилган хонадонларни газ ҳисоблагичлар билан таъминлашга қаратилган 1995 йил 280-сон қарорини ҳаётга татбиқ этиш зарур. Ҳозирги кунда газ ҳисоблагичлар нархининг юқорилигини ҳисобга олиб, уларни аҳолига муддатли кредитга ёки нархини сарфланган табиий газ нархига қўшиб ундириш чораларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил январь ойидаги йиғилишида сўзлаган маърузасидан келиб чиқиб, табиий газ билан боғлиқ бошқарув тизимини такомиллаштириш зарур.

Шунда табиий газни иқтисод қилишни, етказиб беришни, ўз вақтида таъминлаш ишларини олиб боришлик назорати бирмунча яхшиланарди.

Фарғона вилоятида табиий газнинг асосий истеъмолчиси — саноатда ва унинг айрим тармоқларида ушбу хомашёдан фойдаланиш ҳажми беқарор динамикага эга. Бундай ҳолат вилоят ёқилғи-энергетика, кимё ва нефть кимёси мажмуалари фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда. Чунки, табиий газ саноатда ҳам ёқилғи, ҳам қимматли хомашё манбаидир. Хуллас, табиий газсиз бугунги ҳаётни тасаввур қилиш қийин. Шунинг учун ушбу бетакрор, ажойиб ёқилғи ва хомашёдан ҳар томонлама тежамкорлик билан фойдаланиш давр талабидир.

**■ Авазхон ҲАИТБОЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси**

XORIJDA

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН



Ўн йил муқаддам ўзбек учувчилари миллий авиакомпания байроғи остида Ҳиндистон пойтахтига илк қатновни амалга оширгандилар. Эндиликда ҳаво қатновлари ошиб, ҳафтасига уч марта Деҳлига, беш марта эса янги йўналиш — Амритсар шаҳрига парвозлар бажарилмоқда. Бу «Ўзбекистон ҳаво йўллари»нинг Ҳиндистон авиаташувлар бозоридаги имкониятлари катталигини кўрсатади.



Алишер РЎЗИЕВ олган суратлар

**Суратларда:** Амритсар шаҳридаги Олтин ибодатхона ва ҳаво алоқаларини мустаҳкамлашда жонбозлик кўрсатаётган авиакомпания вакили Мухторжон Ҳаитов ҳиндистонлик ҳамкорлар — Амритсар шаҳри аэропорти директори В.С. Мулекар ва «Ритз Плаза» меҳмонхонаси соҳиби А. Мехра билан янги режаларни муҳокама этишмоқда.

**БМТ:**

## ФАЛАСТИНГА ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ ЗАРУР

Яқин Шарқ можароси ҳамон жаҳон ҳамжамиятининг диққат марказида турибди. Қарама-қарши томонлар тинчлик музокараларига киришиш ўрнига бир-бирини зиддиятни янада чигаллаштиришда айблаяпти. Бунинг оқибатида уруш хавфи остида яшаётган аҳоли жабр кўрмоқда.



**Ғазо сектори аҳолисининг аксарияти қашшоқликда кун кечирмоқда.**

БМТ вакиллари жаҳон жамоатчилигини Фаластинга инсонпарварлик ёрдами беришга чақирмоқда.

БМТнинг Фаластин қочоқлари бўйича агентлигининг ишлаб чиққан дастурига кўра, мамлакат ҳозирги танг аҳволдан чиқиши учун 100 миллион АҚШ долларидан ортиқ маблағ зарур бўлади. Дастурда аҳолини озиқ-овқат, энг зарур дори-дармонлар билан таъминлаш, иш жойларини яратиш ҳамда таълим соҳасини қайта тиклаш режалаштирилган. Биринчи навбатда аҳолининг озиқ-овқат етишмаслигидан азоб чекаётган қатламларига кўмак зарур.

БМТ маълумотига кўра, мамлакатда 200 мингдан ортиқ аҳоли озиқ-овқатдан қийналмоқда. 100 мингдан ортиқ оила бошпанасидан айрилган. Ғазо сектори аҳолиси қўлларидаги бор сармояларини фақатгина егулик учун асраб турибди. Қашшоқлик, айниқса, Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғидаги аҳоли ўртасида авж олган. Уларнинг 65 фоизидан кўпроғини Ғазо сектори қочоқлари ташкил қилади.



**БМТ вакилларининг фикрича, фаластин ёшлари онгида руҳий зўриқиш ҳолатлари пайдо бўлган.**

БМТнинг Фаластин қочоқлари бўйича вакили Карен Абузиденинг афсус билан айтишича, БМТ охирги бир йилнинг ўзида Фаластинга молиявий ёрдам ажратиш тўғрисида тўртинчи бор чақириқ билан чиқиши. Аммо аҳвол танглигича қолмоқда.

Мамлакатда гўдаклар ўртасида ўлим, турли касалликларга чалиниш кескин ортган. Мактабга қатнамаётган болалар онгида руҳий зўриқиш ҳолатлари кузатилмоқда. Шунинг учун, дастурда йилига 5 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағни болалар соғлиғини яхшилашга ажратиш кўзда тутилган эди, дейди Карен Абузиде.

Фаластинликларни террорчи жангарилар, деб билувчи Исроил ҳукумати БМТнинг ушбу чақириғига қўшилмаслиги аниқ. Аммо бу БМТни ташвишга солмайди.

Карен Абузиденинг фикрича, ҳар қандай ҳолатда ҳам тинч аҳолини жангари сифатида айблаб бўлмайди. Ўртадаги кескинликда ёш гўдаклар, кексалар, аёллар айбсиз қурбонга айланишган. Уларга инсонпарварлик ёрдами бериш зарур.

Бу чақириққа биринчи навбатда «Катта саккизлик» мамлакатлари эътибор қаратса яхши бўларди. Жаҳон иқтисодчиларининг Нью-Йоркда бўлиб ўтган Давос анжуманида ҳам ушбу масала кун тартибига қўйилди. Натижани эса вақт кўрсатади.

## АФҒОНИСТОН МОЛИЯВИЙ МУАММОЛАРИ

Афғонистондаги антитеррористик операция ҳам охирлашиб бормоқда. Энди асосий вазифа — иқтисодиётни иложи борича тезроқ тиклаб олиш. Бу масала аввал бўлиб ўтган Токио конференциясида, мувaққат ҳукумат раҳбари Ҳамид Карзайнинг АҚШдаги расмий учрашувларида, БМТ Хавфсизлик Кенгашида, ниҳоят Буюк Британияда бўлиб ўтган музокараларда кун тартибидаги асосий масала бўлди.



**Ҳамид Карзай Лондон учрашувида**

Аммо мамлакатда айни пайтда молиявий соҳадаги муаммолар кўндаланг бўлиб турибди. Афғонистонда айни пайтда етти хил миллий валюта муомалада ишлатилмоқда. Бунга сабаб ўтган йигирма йиллик уруш давомида турли ҳукуматлар турлича пул ислоҳотлари ўтказиб келган. Янги молиявий ислоҳотлар муомалада ягона пул бўлишини тақозо қилмоқда. Бу борада Афғонистон Марказий банки раҳбари Абдуқодир Фитрат миллий валютани ўзгартириш эҳтимоли борлигини ҳам айтганди.

Бу муаммони ечиш мақсадида Жаҳон банки ва Халқаро валюта жамғармаси экспертлари Афғонистон ҳукумати билан мамлакатда вақтинчалик АҚШ долларини муомалага киритиш масаласини муҳокама этмоқда. ХВЖнинг Кобулдаги вакили, «долларлаштириш» Афғонистонни тиклаш усулларининг бири холос, мамлакат бироз қаддини тиклаб олгач, миллий валютани жорий қилишга имкон туғилади, деган фикрни айтди. Нима бўлганда ҳам Афғонистон ягона валютага эга бўлиши зарур. Унинг доллар билан бир вақтда муомалада бўлиши пул ислоҳотининг мувозанатини таъминлаб туради.

**Internet хабарлари асосида Бахтиёр ҲАМИДОВ тайёрлади**

ТАҚДИМОТ

# ҲАММАСИ — ҲУҚУҚ ҲАҚИДА

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг бошлиғи, юридик фанлари доктори, профессор У.Тожихоновнинг умумий таҳрири остида бир гуруҳ ҳуқуқшунослик фанининг вакиллари томонидан биринчи марта давлат тилида тайёрланган «Юридик энциклопедия»ни нашр этди.

Энциклопедия ёш юристлар — аспирант, студентлар, умуман ҳуқуқ масалалари билан қизиқувчи барча китобхонларга катта туҳфа бўлди. Унда 3000 дан ортиқ юридик атама ва иборалар жамланган.

Юридик энциклопедияда мустақил Ўзбекистон давлати, давлат тузилиши, унинг ҳокимияти, бошқарув органларининг шаклланиши ва фаолият кўрсатиш тартиби, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва 400га яқин янги қонунлар тўғрисида ахборот бор. Давлатимиз ривожланишининг асосий тамойиллари, давлат суверенитети, халқ ҳокимиятчилиги, қонун устуворлиги ва ташқи сиёсатга оид юридик атама ва иборалар энциклопедиядан муҳим ўрин олган. Ўзбекистон фуқароларининг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари, уларни амалга ошириш кафолатлари ва муҳофаза қилиш тартиби Конституция ва қабул қилинган бошқа қонунлар асосида кўриб чиқилган.

Жамиятимизни иқтисодий, ижтимоий негизлари, маъмурий-ҳудудий тузилиши, Қорақалпоғистон Республикаси, унинг ҳуқуқий ҳолати, жойларда ҳокимиятни ташкил этиш, айниқса, қонунчилик, қонун чиқарувчи вакиллик органимиз — Олий Мажлис ҳақида, Ўзбекистон Республикаси давлат бошлиғи ва ижро ҳокимияти бошлиғи — Президент, Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимиятлари, суд ҳокимияти, сайлов тизими, прокуратура, молия ва кредит органлари, мудофаа, хавфсизлик ва Конституцияга ўзгартириш киритиш тартиблари кўрсатилган.

Энциклопедияда давлат ва ҳуқуқ тарихи, давлат ва ҳуқуқ назарияси, сиёсий ҳуқуқий қарашлар тарихи, маъмурий ҳуқуқ, жиноят ҳуқуқи, жиноят процессуал ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи, оила, меҳнат ҳуқуқи ва ҳуқуқнинг бошқа соҳалари ҳам ўз аксини топган.

Китобда қонунларнинг аниқ моддаларига илова қилинган ҳолда у ёки бу ижтимоий муносабатлар қандай қилиб ҳуқуқий тартибга солинишига оид маълумотлар ўрин олган.

Алфавит бўйича келтирилган мақолаларнинг каттагина қисми жиноят ҳуқуқи ва жиноий жазони ижро этиш ҳуқуқига бағишланган. Ўзбекистон суд тизими, унинг демократик томонлари муфассал ёритилган.

Шу билан бирга энциклопедияда айрим камчиликлар, имловий нуқсон ва хатолар учрайди. Шунингдек, кўп сўзлар, айниқса, халқаро ҳуқуққа оид сўзлар, атамалар ўз ифодасини топмаган ёки жуда қисқа таърифланган.

Шунга қарамай юридик энциклопедиянинг илк бор чоп этилиши мақтовга лойиқ.

**■ Миршоҳид МИРҲАМИДОВ, Ўзбекистон Миллий университети ҳуқуқшунослик факультети декани, юридик фанлари номзоди, доцент**







■ Абдурасул ПАРДА олган суратлар

***Мамлакатимизда ишлайман деганга ҳамма имкониятлар эшиги очиқ. Олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар самараси ўлароқ халқимизнинг турмуш фаровонлиги кундан-кунга яхшиланмоқда. Қарши туманида тадбиркор Раҳмат Намозов ота-боболарининг касбини давом эттириб, дастлаб оила аъзолари билан қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Кейинчалик ўз фаолиятини кенгайтириб, 10-15 нафар қишлоқ ёшларини ишга жалб қилди. Бугунги кунда тадбиркор маҳсулот турларини янада кўпайтирди. Қўшимча ишчи ўринлари яратилди. Айни пайтда бу ерда бир неча турдаги қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.***

✧✧✧

**Суратларда:** 1) цех бошлиғи Шоҳида Турсунова, (ўртада) ишчилар Сайёра Темирова, Шоҳиста Сатторова.

2) Исмоил Холмуродов, Бахтиёр Неъматуллаев, Жасурбек Саидовлар иш устида.

## ЧИННИСОЗЛАР ҲИММАТИ

Қувасой шаҳридаги «Қувасой чинниси» ҳиссадорлик жамияти ва ЎзХДП бошланғич ташкилоти «Қарияларни қадрлаш йили»да ажойиб ташаббус билан чиқдилар. Унга кўра, шу йилдан бошлаб корхонанинг иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси бўлган пенсионерлари ҳозиргача қанча нафақа олаётган бўлсалар, корхона ҳисобидан уларга яна ўшанча миқдорда қўшимча нафақа тўлана бошланади.

Шу корхонада ишлаб нафақага чиққан, ҳозирда ёлғиз яшайдиган қарияларнинг нафақалари юз фоизга оширилади. Уларнинг иссиқ-совуғидан доимо хабардор бўлиб туриш, рўзғор ишлари, оила юмушларини бажаришда кексаларга ёрдам кўрсатиш мақсадида бундай қарияларнинг ҳар бирига иш ҳақи тўланадиган қаровчи ходим тайинланади.

Чиннисозлар жамоаси, шунингдек, Қувасой шаҳар ҳокимлиги тавсия этган ўн беш нафар ёлғиз яшайдиган қарияларга ҳам қўшимча нафақа ва қаровчи ходим белгилади. Тўрт нафар қарияга эса кўп қаватли уйлардан алоҳида турар жой хоналари харид қилиб бериладиган бўлди. Чиннисозлар Фарғона шаҳридаги «Саховат» қариялар уйига хомийлик қилишни ҳам ўз зиммаларига олдилар.

«Қувасой чинниси» ҳиссадорлик жамияти ва шу жамият ХДП бошланғич ташкилотининг хайрли ташаббуси бутун вилоятда маъқулланиб кутиб олинди. Корхона ташаббусига вилоят шаҳарлари ва туманларидан ўнлаб меҳнат жамоалари қўшилдилар.

**■ Алишер ИБОДИНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

## БУХОРОДА БОТАНИКА БОҒИ

Шариф шаҳарнинг кунчиқарида — Моҳи Хоса мавзеининг Дилкушога туташ жойида қарийб саксон гектарлик майдонда «Ботаника боғи» ташкил этишга киришилди. Ҳозирданоқ ер юзининг турли минтақаларида ўсадиган ҳар хил ўсимлик, дарахт, гуллар ўтқазилмоқда. Хусусан, бир гектар майдонга бухоролик отахонлар ўз қўллари билан бодом ва хурмо кўчатларини ўтқаздилар.

Хуллас, бу боғ кишилар дам оладиган маскан бўлибгина қолмай, балки ўқувчилар, талабалар ўсимлик дунёси билан танишадиган, биолог олимлар тадқиқот ишларини олиб борадиган ўзига хос марказ вазифасини бажаради.

**■ Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**



**Чилонзор туманидаги Акмал Икромов номли маҳаллада «Ўзбекистон овози» газетасига 60 дан ортиқ киши обуна бўлди. Бу ишда маҳалланинг хотин-қизлар қўмитаси айниқса фаол катнашмоқда.**

**Суратда:** қўмита раиси, меҳнат фахрийси Фарида Йўлдошева (чапда) Дилором Исмоиловалар обуна чиптасини тўлғазишмоқда.

■ Зосим СОКОЛОВ олган сурат


## «НАВРЎЗ УНИВЕРСАЛ БОЗОРИ»

**очиқ акциядорлик жамияти**

**Кузатув кенгашининг қарорига биноан 2002 йил 5 март куни акциядорларнинг навбатдаги умумий мажлиси қуйидаги манзилда ўтказилади: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани ҳокимияти биносининг мажлислар залида. Мажлиснинг бошланиш вақти 15.00. Акциядорлар 14.00 да рўйхатдан ўтадилар.**

**КУН ТАРТИБИ:**

1. «Наврўз универсал бозори» ОАЖнинг 2001 йил якуни бўйича иш фаолияти юзасидан жамият бошқаруви раисининг ҳисоботи.
2. Жамиятнинг 2001 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан Аудиторлик хулосасини тасдиқлаш.
3. Жамиятнинг 2001 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан Тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Жамиятнинг 2001 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик ҳисоботи якуни бўйича даромадларни тақсимлаш ва дивидендлар миқдори ҳамда уни бериш тартибини тасдиқлаш.
5. Жамиятнинг 2002 йилга мўлжалланган даромадлар ва харажатлар сметасини тасдиқлаш.
6. Жамиятнинг 2002 йил фаолияти учун жамият Аудиторини тасдиқлаш.
7. Ҳар хил масалалар.

Мажлисда акциядорлар реестрининг 2002 йил 2 февраль ҳолатига кўра унга кирган акциядорлар ёки уларнинг вакиллари (нотариусда тасдиқланган ваколатнома бўйича) қатнашишлари мумкин.

**КУЗАТУВ КЕНГАШИ**

ИСЛОҲОТ ВА БАНК

# ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИДА БАНКЛАРНИНГ РОЛИ



Республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёнида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ва тадбиркорларга қулайликлар яратиш бўйича меъёрий-ҳуқуқий база доимий равишда такомиллаштирилиб борилмоқда.

Ўтган давр мобайнида иқтисодиётни янада эркинлаштириш талабларидан келиб чиқиб, биринчи навбатда, тижорат банкларининг мустақиллиги оширилди. Бу эса улар томонидан иқтисодиётнинг устувор соҳаси ҳисобланган тадбиркорлик субъектлари фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашда кенг имкониятлар яратди. Банкларда кичик ва ўрта бизнес субъектлари ҳамда тадбиркорликни кредитлашнинг ягона соддалаштирилган тартиби ишлаб чиқилди. Мазкур тартибга мувофиқ тижорат банклари кредит олувчилардан жаҳондаги банклар амалиётида қабул қилинган ва талаб қилиниши лозим бўлган ҳужжатлардан анча камлиги белгилаб қўйилди. Шунингдек, Марказий банк томонидан ўз фаолиятларини янги бошлаган тадбиркорларнинг бошланғич маблағга бўлган эҳтиёжи қондирилишини таъминлаш мақсадида «Бюджетдан ташқари жамғармаларнинг кредит линиялари ҳисобига якка тартибдаги тадбиркорларга, кичик ва ўрта бизнес субъектларига тижорат банклари томонидан кредит бериш тартиби» ишлаб чиқилди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2001 йил 22 августдаги 347-сонли қарорига асосан банклар томонидан мижозларга миллий ва хорижий валютада банк ҳисоб-варақларини очиш учун корхоналарнинг муҳр ва имзо намуналарининг нотариусда тасдиқланган варақаси ва давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси тақдим қилиниши ҳамда икки банк иш кунида ҳисоб-варақлар очишлари белгилаб берилди.

Шу билан бирга тижорат банкларида лойиҳаларни молиялаштириш бўйича махсус бўлимлар ташкил этилиб, кредит лойиҳаларини танлашда маркетинг, инжиниринг ва консалтинг хизматлари кўрсатиш, тадбиркорларга бухгалтерия ҳисобини юритиш, бизнес-режа тузиш, ишлаб чиқиладиган маҳсулот ёки кўрсатиладиган хизмат бозорини ўрганиш бўйича маркетинг тадқиқотларини ўтказишда амалий ёрдам бериб келинмоқда.

Тижорат банкларида мижозларга банк хизматлари кўрсатишда қулайликлар яратиш мақсадида «Банк - мижоз» дастурий тизими жорий этилиб, бугунги кунда тижорат банкларининг мазкур тизимга боғланган 700 дан ортиқ мижозлари ўз иш жойларида турган ҳолда компьютер ва электрон алоқа тизими орқали тўловларни амалга ошириш имкониятига эга бўлган бўлса, узоқ масофада жойлашган туманлардаги тадбиркорлар ва деҳқон-фермер хўжаликларига банк хизматлари кўрсатилишини таъминлаш мақсадида тижорат банкларининг 264 дан ортиқ мини-банклари ташкил этилди.

Ўтган давр мобайнида тадбиркорлик субъектларига ҳукуматимиз томонидан яратиб берилган имтиёзлар натижасида тижорат банклари ва бюджетдан ташқари жамғармаларнинг кредитлари ҳисобига республикамизда қўшимча 80 мингдан ортиқ, жумладан, 2001 йилнинг ўзида 38 минг ишчи ўринлари ташкил этилди.

Тижорат банклари томонидан кичик ва ўрта бизнес субъектларига миллий валютада ажратилган кредитлар миқдори жорий йилнинг 1 январь ҳолатига 151,5 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган 2001 йилнинг 1 январига нисбатан 56 млрд. сўмга ёки 1,6 марта ортди. Қисқа муддат ичида 631 та тадбиркорлик субъектлари 533 млн. сўмлик бошланғич сармоя сифатида кредит олиб, ўз фаолиятини бошлади.

Банклар томонидан халқаро молия муассасалари билан ҳамкорликни кенгайтириш республикамизга хорижий кредит линияларини жалб этишга хизмат қилмоқда. Ушбу кредит линиялари ҳисобига олинган ресурсларни кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга, мамлакатнинг меҳнатга лаёқатли аҳоли кўп туманларида қўшма корхоналар ташкил этиш учун йўналтиришга алоҳида эътибор берилиб, бугунги кунга қадар кичик ва ўрта бизнес субъектлари ҳамда фермер хўжаликларининг 230 дан ортиқ янги инвестиция лойиҳаларига 299,6 млн. АҚШ доллари миқдорида кредитлар ажратилди. Ушбу кредитлар асосан минитехнологиялар, ўғит ва уруғларни сотиб олиш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, шу жумладан, чорва моллари, парранда ва улар учун омухта ем, хомашё материалларини бирламчи қайта ишлаш, халқ бадиий ҳунармандчилигини ривожлантириш ва уй меҳнати (касаначилик)ни ташкил қилиш, аҳолига маиший хизмат кўрсатишни ривожлантириш ҳамда инвестицион дастурларда кўзда тутилган мақсадлар учун йўналтирилмоқда.

Мазкур ажратилган кредитлар эвазига республикамизда халқ истеъмол моллари, эҳтиёт қисмлар, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва уларни қайта ишловчи асбоб-ускуналар, сервис хизматлари ҳамда экспорт эҳтиёжлари учун зарур бўлган товарларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, ташқи ва ички бозорларда сотилмоқда.

Жумладан, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки томонидан «Силк Род» корхонасига 5 млн. АҚШ доллари миқдорида ажратилган кредит ҳисобига корхона томонидан 980 млн. сўмлик ипак калаваси ишлаб чиқарилган бўлса, «Заминбанк» томонидан Наманган шаҳрида фаолият кўрсатувчи «Обод текстиль» корхонасига ажратилган 60 млн. сўм кредит ҳисобига корхона томонидан сифатли нотўқима матолар ишлаб чиқарилиб, маҳсулотларнинг асосий қисми хорижга экспорт қилинмоқда.

Шунингдек, Европа ривожланиш ва тараққиёт банки кредит линияси ҳисобидан «Афросиёб-мрамор» хусусий корхонасига мармар ишлаб чиқариш мақсадида хорижий технологияни келтириш учун 2,7 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит ажратилган. Бугунги кунда йилига 48 минг кв. м. 107,4 млн. сўмлик мармар ишлаб чиқариб, 96 та ишчи ўринлари ташкил этилган. Корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган мармар ташқи ва ички бозорда сотилмоқда.

Фарғона вилоятидаги «Шукурдавлат» фермер хўжалигига ажратилган 293 минг АҚШ доллари миқдоридаги кредит ҳисобига фермер хўжалиги сут маҳсулотларини қайта ишлаш учун хориждан керакли асбоб-ускуналар олиб келган. Ажратилган кредит самарали ишлатилиши натижасида фермер хўжалигида қўшимча 12 та ишчи ўрни ташкил этилиб, йилига 720 тоннадан ортиқ йогурт, қаймоқ, сметана, бринза ва шунга ўхшаш 7 хил сут маҳсулотларига бўлган халқимизнинг эҳтиёжи қондирилмоқда. Шунингдек, «Пахтабанк» томонидан Сариосиё туманидаги «Худойберди» фермер хўжалигига ажратилган 1,4 млн. сўмлик микрокредит ҳисобига 15 та янги ишчи ўринлари ташкил этилиб, 2001 йил якуни бўйича фермер хўжалиги томонидан 6,5 млн. сўмлик гўшт ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилган.

Хусусий «Бизнес-банк» томонидан Қуйи Чирчиқ туманидаги «Пилигрим-агро» корхонасига товуқ тухуми ва гўшти етиштириш мақсадида Голландиядан 31 минг дона товуқ ҳамда фермани жиҳозлаш учун асбоб-ускуналар сотиб олишга 42 млн. сўм имтиёзли кредит ажратилган бўлиб, корхона йилига 6 млн. дона тухум ва 40 тонна товуқ гўшти маҳсулотлари етиштирмоқда.

Яна бир мисол. «Саноатқурилишбанк» томонидан 2001 йил март ойида «Мустақиллик» корхонасига қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун 80 млн. сўм миқдорида берилган кредит ҳисобига 77 та ишчи ўринлари ташкил этилиб, 129,8 млн. сўмлик маҳсулот реализация қилинган. Корхона кредитни муддатидан олдин банкка тўлиқ қайтариб, фаолият якунлари бўйича 15,6 млн. сўм соф фойда олган.

Юқорида қайд қилинганидек, банк кредит ҳисобига ўз фаолиятларини тўғри ташкил этган ҳолда янги иш жойларини яратиб нафақат ички бозорга, балки ташқи бозорга экспортбоп маҳсулотларни чиқараётган тадбиркорлар тўғрисида ҳар бир ҳудудда кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Шу билан бирга масаланинг яна бир томонига эътибор қаратадиган бўлсак, кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлашда сезиларли ижобий натижаларга эришилаётганлиги билан бирга айрим тадбиркорлар бозордаги талаб ва таклифни ўрганмай маҳсулот ишлаб чиқариб, бу маҳсулотнинг таннархи юқорилиги, сифати пастлиги сабабли сотилмасдан омборларда ётгани ҳолда даромад олиш ўрнига зарар кўриб ишлаганлиги натижасида банкдан кредит муддатини узайтириш ёки уни кечиб юбориш тўғрисида мурожаат қилмоқдалар.

Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунида тижорат банклари юридик ва жисмоний шахслардан муддатли депозитларга омонатлар қабул қилишлари ҳамда мазкур маблағлар ҳисобидан таваккалчиликни ўз зиммаларига олган ҳолда кредит беришлари белгиланган.

Банк аҳоли, тадбиркорлар, корхона ва ташкилотларнинг вақтинча бўш турган маблағлари ҳисобидан кредит ажрата туриб, улар билан тузилган шартномага кўра ушбу маблағларни қайтариш ва унга ҳисобланган фоизларни тўлаш мажбуриятини олган ҳолда пул маблағларини кредитга беради. Берилган кредитни қайтариш муддати кечиктирилган тақдирда банк мижозлари ва омонатчилари олдидаги ўз мажбуриятини бажара олмай қолиш хавфи юзага келади.

Бу ўринда айтиб ўтиш лозимки, айрим тадбиркорлар олинган кредитни мақсадли ишлата олмаётганликлари, кредит фойда келтирмасдан уларнинг қўлида ҳаракатсиз қолиб кетаётганлиги ёки ўз манфаатларини кўзлаган ҳолда самарасиз мақсадларга ишлатилиши натижасида кредитларнинг қайтмаслик ҳолатлари ҳам юзага келмоқда. Жумладан, Жиззах вилоятининг Жиззах туманидаги «Барака» корхонаси томонидан крахмал ишлаб чиқариш линиясини ўрнатиш ва крахмал ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун олинган 10 млн. сўмлик кредит ускуналарни ўрнатиш ва ишлаб чиқариш жараёнида ортиқча харажатларга йўл қўйилганлиги сабабли зарар кўриш натижасида қайтарилмаган. Шунингдек, Сурхондарё вилоятидаги хусусий тадбиркор «Мирзоҳамроқулов»га қорамол сотиб олишга ажратилган 1,2 млн. сўмлик кредит мазкур тадбиркор зоотехника соҳасида тегишли малака ва билимга эга эмаслиги сабабли қорамолларнинг нобуд бўлиши натижасида ўз вақтида қайтарилмаган.

Самарқанд шаҳридаги «Тараққиёт» кичик корхонасига қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга ажратилган 7,5 млн. сўмлик ҳамда хусусий тадбиркор Д. Эргашевага макарон ишлаб чиқаришга ажратилган 1,5 млн. сўмлик кредит ҳисобига ускуналар сотиб олиниб ўрнатилган бўлса-да, мазкур корхоналарда бошқарув тўғри йўлга қўйилмаганлиги ва ишлаб чиқариш фаолияти самарали ташкил этилмаганлиги сабабли олинган кредит қайтарилмаган.

Бугунги кунда айрим тадбиркорларнинг фаолиятлари маҳаллий хомашёга мослашмаганлиги ва ишлаб чиқарилган маҳсулотлари ташқи бозор талабларига жавоб бермаслиги оқибатида хорижий кредит линиялари ҳисобидан ажратилган валюта маблағларини самарали ишлата олмаслик ва ўз вақтида қайтармаслик ҳолатлари ҳам мавжуддир.

Мазкур мезонни ҳисобга олган ҳолда бу соҳада амалиётда учраб турган баъзи салбий ҳолатларга эътибор қаратсак. Самарқанд вилояти Оқдарё туманидаги «Даҳбед» хусусий ишлаб чиқариш корхонасига ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун «КфВ» Германия ривожланиш банкининг кредит линияси ҳисобидан 591,8 минг евро миқдорида кредит Италиянинг дон маҳсулотларини қайта ишлаш, нон ва макарон ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарини сотиб олишга ажратилган бўлиб, лойиҳани амалга оширишда ишлаб чиқаришни хомашё билан таъминлаш масаласи тўлиқ ўрганилмаганлиги натижасида қўшимча 24 та иш жой очилмай, муддати келган 74 минг евро банкка қайтарилмаган.

Қорақалпоғистон Республикаси Тахиатош туманидаги «Рамир» ишлаб чиқариш корхонасига қуритилган мева ва сабзавотларни ишлаб чиқаришни ташкил қилишга ажратилган 10 минг АҚШ доллари миқдоридаги микрокредит хомашёнинг ташқи бозордаги нарх-наво конъюктураси ҳисобга олинмаганлиги натижасида маҳсулотнинг таннархи ошиб кетганлиги сабабли ишлаб чиқарилган маҳсулот экспортга йўналтирилмаган ва кредит бўйича муддати келган 2 минг АҚШ долларлик асосий қарз қайтарилмаган.

Қашқадарё вилоятида фаолият кўрсатувчи «Ражаб Момо» фермер хўжалигига 2000 йилнинг март ойида ажратилган 288,880 евро миқдоридаги кредит ҳисобига сотиб олиш режалаштирилган ускунани етказиб берувчи ҳамда фермер хўжалиги ўртасида келишмовчиликлар юзага келганлиги сабабли бугунги кунга қадар фермер хўжалиги томонидан ишлаб чиқариш бўйича синов ишлари амалга оширилмаган. Ушбу кредит бўйича 13,607 евро миқдорида муддати ўтган қарзлар юзага келган бўлса, Андижон шаҳридаги «Нилуфар» ишлаб чиқариш корхонасига сут маҳсулотларини қайта ишлаб, музқаймоқ ишлаб чиқариш учун 1,2 млн. АҚШ доллари миқдорида ажратилган кредит ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг сифатсизлиги ва кредит маблағларини лойиҳада кўрсатилмаган қўшимча пиво заводи қурилишига мақсадсиз жалб қилиниши оқибатида муддати келган 540 минг АҚШ доллари ўз вақтида қайтарилмаган.

Юқорида келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, айрим тадбиркорлар бозор қонуниятларини яхши тушунмасликлари, бизнес-режага мувофиқ фаолиятни йўлга қўя олмаётганликлари оқибатида кредитларнинг ўз вақтида қайтмаслиги тижорат банкларини хорижий ҳамкорлари олдида қийин аҳволга солиб қўймоқда.

Хорижий кредит линиялари бўйича ажратилаётган кредитлар қайтарилмаган тақдирда банк ушбу кредитларни ўз ҳисобидан қайтаришга ҳамда бундай ҳолатлар бўйича тегишли ҳужжатларни қонуний чора кўриш учун ҳуқуқни ҳимоя қилиш идораларига топширишга мажбур бўлмоқдалар.

Лекин мақсад бировни жавобгар қилиш эмас, балки қайтмаган кредитлар иқтисодиётимиз ривожи учун умуман самарасиз бўлиб, бунда биринчидан ҳам мижоз, ҳам банк моддий зарар кўрса, иккинчидан, мамлакатда ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун маблағлар танқислигига сабаб бўлади.

Шу билан бирга, айрим тадбиркорлар кредит ҳисобига етиштирилаётган ҳосил қурғоқчилик сабабли ва сотиб олинган чорва моллари касаллик туфайли нобуд бўлганлиги тўғрисида ҳар хил субъектив баҳоналарни рўкач қилган ҳолда берилган кредит муддатини узайтириш ёки умуман кечиб юбориш тўғрисида банкка ва юқори идораларга мурожаат қилмоқдалар.

Шу ўринда биргина мисол, Охунбобоев ва Деҳқонобод туманидаги хусусий тадбиркорлар А. Абдураҳимов ва Х. Амонқулов томонидан банкдан олинган микрокредит ҳисобига сотиб олинган чорва моллари касалланиб нобуд бўлганлиги ва қурғоқчилик туфайли деҳқончиликдан яхши ҳосил олинмаганлиги сабабли кредитни қайтариш муддатини узайтириш тўғрисида мурожаат қилганлар. Ваҳоланки, мазкур туманлардаги 100 дан ортиқ хусусий тадбиркор, деҳқон ва фермер хўжаликлари 144 млн. сўмлик банк кредитлари ҳисобидан ўз фаолиятларини йўлга қўйган ҳолда чорвачилик ва деҳқончилик бўйича яхши натижаларга эришиб, олинган кредитларни муддатида қайтараётган бир пайтда, бир туман худудида яшаб, бундай сабаблар кўрсатилишини қандай изоҳлаш мумкин?!

Бу ҳолатларда шуни айтиш жоизки, чорвачилик, паррандачилик ёки деҳқончилик билан шуғулланаётган деҳқон-фермер хўжалиги бўладими ё хусусий тадбиркорми асосий эътиборни фаолият юритишдан олдин аввало ўзи ушбу соҳанинг тажрибали мутахассиси бўлиши, етиштириладиган ҳосилни зараркунандалардан, чорва молларини эса ҳар хил касалликлардан асраш учун тегишли хизматларни ташкил этиши ва ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун талабга жавоб берадиган ферма, ем-хашак, техника ва ветеринария дори-дармонлари ҳамда сифатли уруғ, ўғит каби асосий шарт-шароитларни яратишга қаратмоғи лозимдир.

Тадбиркорлик билан шуғулланаётган ҳар бир юридик ёки жисмоний шахс ўз моддий манфаатини ўйлаш билан бирга ўзи яшаётган юрт ва ушбу юртнинг фаровонлиги, барқарор ривожланиши тўғрисида ҳам жон куйдириб яшаши ва меҳнат қилиши керак.

Бугунги кунда матбуотда баъзи тижорат банклари томонидан кредит ажратилмаётганлиги тўғрисида айрим танқидий мақолалар гоҳида чиқиб турибди. Лекин берилаётган кредитлар ўз вақтида қайтмаса, тайёрланган лойиҳалар иқтисодий асосланмай, кредит таъминоти етарли бўлмаса банк кредит бериб, фойда кўриш ўрнига зарар кўрса ниманинг ҳисобидан кредит берсин?! Мақола тайёрлашда фақатгина бир томонни танқид қилмасдан ушбу омилларга ҳам эътибор қаратилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Жаҳон банкчилик тажрибасидан маълумки, бозор иқтисодиётида бирор-бир тадбирни амалга оширишда аввалламбор унинг натижасида қанча даромад олиниши ҳисоб-китоб қилинган ҳолда ўзаро моддий манфаатдорликдан келиб чиқиб ушбу тадбирлар амалга оширилади.

Асосий фаолияти жалб қилинган ва ўз маблағлари ҳисобидан кредит бериш ва инвестицияни амалга оширишга асосланган банк фаолиятида берилган кредитларнинг қайтмаслиги оқибатида келтирилган зарар нафақат банкнинг молиявий аҳволига салбий таъсир этиши ва ҳатто уни банкрот бўлишига ҳам олиб келиши мумкин.

Шу сабабли тижорат банклари томонидан кредит ажратиш чоғида кредит олувчининг молиявий ҳолати, амалга ошириладиган фаолияти юзасидан бизнес-режа ва кредит таъминотига ҳамда мақсадли ишлатилишига алоҳида эътибор қаратилади.

Хусусан, бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Иқтисодиётни кредитлаш механизмини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 22 августдаги 349-сонли қарорида ҳам алоҳида қайд этилиб, тижорат банклари инвестиция лойиҳаларини маблағ билан таъминлаш учун кредитлар белгиланган тартибда ишлаб чиқилган ва тасдиқланган техник иқтисодий асослаш ҳамда таваккалчиликларнинг мақбуллигини баҳолаган ҳолда қайтариш, муддатлилик ва ўзини ўзи қоплаш шартларида беришлари белгилаб қўйилган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, бугунги кунда кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган тадбирлар мамлакатимиз иқтисодиётининг янада юксалишида мулкдорлар синфини кенгайтириш, янги иш жойларини барпо этиш, экспортбоп товарлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш, истеъмол бозорини сифатли маҳсулотлар ва хизматлар билан тўлдиришда муҳим омил бўлиб, республикамизда эркин рақобат муҳити ривожланиб боришига хизмат қилади.

■ **Саъдулла АБДУЛЛАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки департамент директори, иқтисод магистри**

## «BESHYOG'OCH UNIVERSAL BOZORI»

## ОАЖ акциядорлари диққатига!

**«BESHYOG'OCH UNIVERSAL BOZORI»**
**ОАЖ акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилиши 2002 йил 4 март куни соат 11.00 да қуйидаги манзилда бўлиб ўтади:**
**Чилонзор тумани, Туроб Тўла кўчаси, 71 уй.**

Акциядорлар ёки уларнинг вакиллари шахсини тасдиқловчи ҳужжат ёки ишончнома билан бўлишлари керак.

**КУН ТАРТИБИ:**

1. «Бешёғоч универсал бозори» ОАЖнинг 2001 йил якуни бўйича иш фаолияти юзасидан жамият бошқаруви раисининг ҳисоботи.
2. Жамиятнинг 2001 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан Аудиторлик хулосасини тасдиқлаш.
3. Жамиятнинг 2001 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан Тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Жамиятнинг 2001 йил молиявий-хўжалик ҳисоботи якуни бўйича даромадларни тақсимлаш ва дивидендлар миқдори ҳамда уни бериш тартибини тасдиқлаш.
5. Жамиятнинг 2002 йилга мўлжалланган даромадлар ва харажатлар сметасини тасдиқлаш.
6. Жамиятнинг 2002 йил фаолияти учун жамият Аудиторини тасдиқлаш.
7. Жамиятнинг Кузатув кенгаши таркибига ўзгартиришлар киритиш ҳақида.

**КУЗАТУВ КЕНГАШИ**

**«BESHYOG'OCH UNIVERSAL BOZORI»**
**ОАЖ баланси қиймати кўрсаткичлари:**

| АКТИВ | (минг сўм) | ПАССИВ | (минг сўм) |
|---|---|---|---|
| 1. Асосий воситалар | 5779,6 | 1. Устав фонди | 2022,0 |
| 2. Капитал қўйилмалар | 167076,2 | 2. Резервлар | 204423,1 |
| 3. Айланма активлар | 41385,8 | 3. Тақсимланмаган фойда | 5006,2 |
| 4. Дебиторлар | 1685,2 | 4. Кредиторлар | 4475,5 |
| *ЖАМИ:* | *215926,8* | | *215926,8* |

## ДИҚҚАТ, КИМОШДИ САВДОСИ!

**Тошкент вилоят муниципал биржаси**
**2002 йил 7 март куни соат 11.00 да**
**Афросиёб кўчаси, 2-уйнинг 2-қаватида жойлашган «Бизнес марказ»да ўтказиладиган кимошди савдосига таклиф этади.**

Савдога Тошкент вилояти хўжалик суди томонидан «Бўрдоқи» фермер хўжалигига қарашли Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Хонобод қишлоқ фуқаролар йиғинида жойлашган, майдони 816.3 кв.м. бўлган ферма қўйилади.

**Бошланғич баҳоси — 15 млн. 642 минг 298 сўм.**

Ушбу савдода сотилмай қолган иншоотлар кейинги ҳафтанинг пайшанба куни бўлиб ўтадиган савдога қўйилади.

**КИМОШДИ САВДОСИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!**

Кимошди савдосида қатнашиш учун аризалар ва гаров пуллари юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади ва савдо бошланишига бир соат қолганда тўхтатилади.

**Телефонлар: 56-61-64, 56-30-12.**

✧✧✧

***Тошкент вилоят муниципал биржаси 2001 йил якунлари***

Жами сотилган объектлар сони 1451та, сотилган баҳоси — 1.047.307.000 сўм, шу жумладан, кимошди савдоларида 12 та, сотилган баҳоси — 5.070.000 сўм, биржа савдоларида — 1439 та, сотилган баҳоси — 1.042.223.000 сўм. Сотилган мулкларнинг 1133 таси автомототранспорт воситалари, 318 таси кўчмас ва турли мулклар бўлиб, уларнинг янги эгаларидан 1159 таси жисмоний ва 292 таси эса ҳуқуқий мақомга эга шахслардир.

***2002 йил 28 январь ҳолатига***

Жами сотилган объектлар сони 247 та, сотилган баҳоси — 68 306 148 сўм. Жами объектлар биржа савдолари орқали сотилди. Улардан 233 таси автотранспорт, сотилган баҳоси — 53 млн. 195 минг сўмдан зиёд, 14 таси кўчмас ва турли мулклар, сотилган баҳоси — 15 млн. 111 минг сўмдан зиёд. Сотилган барча объектларнинг мулк шакли нодавлат бўлиб, улардан 46 таси ҳуқуқий шахсларга ва қолганлари жисмоний шахсларга тегишли.

**«INVEST TRAST» ОАЖ Банклараро компаниясининг «BROK-BIT» шўъба корхонаси ўз низом жамғармасини қисқартирганлигини ва 13 миллион сўм миқдорида белгиланганлигини маълум қилади.**

***Мурожаат учун телефон: 133-02-99.***

